

“ШОҲИ СЎЗАНА” КОМЕДИЯСИДА ХАРАКТЕРЛАР ТАЛҚИНИ

Уразов Сойибжон ЖДШИ талабаси
Илмий раҳбар: кат.ўқит. М.Жўраев

Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” комедияси ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга. Комедияда Холнисо ва Ҳамробуви характеридаги ўзига хос жиҳатлар самимий кулги воситасида эстетик танқид остига олинади. Ва шу орқали комедиядаги воқеалар ривожлантирилади, оқибатда асар бошида қўйилган тугун комик конфликтларда, характерлар кулгиси орқали ечилади.

“Шоҳи сўзана” комедиясидаги кураш, зиддият комик ва такрорланмас хусусиятларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Онгида эскича тафаккур мевалари қотиб қолган, қолоқ фикрлаш унсурлари мавжуд, жамиятимиздаги бошқа инсонлар қарашларига зид фикрловчи характер эгалари ўсиб келаётган янги, илғор кучларга тўқнаш келиб, уларга асоссиз ва ноўрин қарши чиқиб, кулгили, комик аҳволга тушиб қолишади. Жамиятимиздаги юз бераётган янгиликлар моҳиятига тез ва ўз вақтида тушуна олмай, ўзаро зиддиятларга дучор бўладилар. Характерларидаги кулгили жиҳатларини, умуман феъл-атворларини ўзлари англамаган ҳолда ошкор этадилар. Шу тахлит воқеалар давомида характерларнинг ўзаро муносабати натижасида персонажлар янглишиш коллизиясига тушадилар, аста-секин, кечикиб бўлса ҳам, маънавий нуқсонлари йўқолиб, ўз-ўзларини англаб борадилар.

“Холнисо ва Ҳамробуви бир тарихий давр одамлари. Улар эски ҳаёт қабоҳатларини бир сидра бошларидан ўтказишган. Инқилоб йилларидаги алғов-далғовлар, ҳаётни қайта қуриш қийинчиликлари ва ниҳоят фашизмга қарши умумхалқ кураши – булар ҳаммаси улар онгида турғун, реал дунёқараш яратган. Бундан чекиниш уларнинг хаёлларига ҳам келмайди. Ҳатто фарзандларининг ҳаётга янгича муносабатлари ҳам уларни кўп ажаблантира бермайди. Аммо нималардандир улар ҳамон эски урф-одатлардан тамоман кечиб қўяқолмайдилар. Мана шу ҳол бизда кулги уйғотади. Қудаликка аҳду паймон қилишган. Ҳамробуви ва Холнисо фарзандларининг фаол меҳнатию, ижтимоий фаолиятига қарши бўлмасалар ҳам кўпроқ битта умид билан банд. Бу ҳам бўлса орзу-ҳавас кўриш, чиройлик тўй қилиб келининг борми бор; куёвинг борми, бор дегулик бўлиб эл-юрт орасида обрў қозониш.”¹

Асарнинг комиклигини янглишиш дамларининг комик планда, турли хил кулгили вазиятларда кечиши, ижобий персонажларнинг ўз рақибларини уддабуронлик ва меҳрибонлик билан алдаб тўғри йўлга солишлари, улар характеридаги нуқсонларни англаб етишларига кўмаклашишлари заминидagi кураш кулгили, комик ҳолатларни юзага келтирган.

Бош қаҳрамонлар Ҳамробуви ва Холнисо ўз характерларидаги камчилик ва нуқсонларни англаб етмайди, гўёки улар ўта ақлли-ю, атрофдагилар эса, ҳеч нарсани англамасликда, ҳаётни тўғри тушунмасликда айблашади. Худди шу

¹ Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати.-Т: Адабиёт ва санъат. 1988 йил 189-бет.

маънодаги фикрлаш, тафаккур натижасида турли чигалликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида атрофдагиларнинг ҳақли кулгисига сабаб бўлади.

Муаллиф характерлараро зиддиятни юзага келтиришда асардаги бошқа персонажлардан биронтасининг тўла маънода салбий моҳиятга эга бўлганлигидан, уларда фақат хунук сифатларнинг зоҳирлигидан, булар натижасида юзага келадиган тўсқинликларнинг нисбатан катта ва зарарли ижтимоий кучга айлана олмаслигидан келиб чиқади. Шунга мос тарзда характерлараро муносабатлар, зиддиятлар ва тўқнашувлар у қадар кескинлаштирилмайди. Аммо муаллиф характерида, феъл-атворида жамият қарашларига зид фикрлаш мавжуд кишилар аҳволи замонавий фикрлайдиган, илғор кишилар қаршисида кулгили эканлигини кўрсатиб бера олди. Бу нарса айрим адабиётшунослар таъкидлаганларидек, комедия конфликтнинг камчилиги эмас, аксинча, муаллифнинг юмористик кулги яратишдаги, характерлар комедиясини юзага келтиришдаги ўзига хос бадий кашфиётидир, десак хато бўлмайди.